

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

2017 йил 8 август ПҚ-3182-сон

**Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини
таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида**

К.Э.Раджапов

**Хоразм вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш**

бўйича ўқув-услибий қўлланма

UDK:

КВК:

К.Э.Раджапов

“Хоразм вилояти худудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш”
(ўқув-услибий қўлланма).

Ушбу ўқув услубий қўлланма Иқтисодиётни соҳалари ва секторлари, уй хўжаликларида янги иш ўринларини яратиш ва бизнес ғояларни, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш амалиётда иқтисодиётни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш каби масалаларни ёритади. Қўлланма уй хўжаликларида ва касб –хунар коллежларини битказувчиларини янги иш ўринларини ташкил етиш ва ривожлантиришга қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган.

Қўлланма УрДУ илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия етилган
(2018 ____ феврал ____ сонли йиғилиш баённомаси)

Масъул муҳаррир:

проф. Б. Рўзметов

Такризчи:

и.ф.н. Ф Абдуллайев

доц. У. Матякубов

Урганч, 2018й

МУҚАДДИМА

Азиз юртдошлар бугунги кунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармонлари ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Шунингдек уларни тўлиқ ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этилаётган даврида олиб борилаётган чора-тадбирларни мамлакатимизда яшаётган ватанпарвар фуқора ва унинг оила аъзолари бор куч ғайратини кучли фуқоралик жамиятини қуришдек олий даражадаги умуммақсадлар ҳамда жамиятимизнинг ячейкаси ҳисобланган оилалар турмуш маданияти ва яшаш тарзини юқори даражада ривожлантиришга маъсул эканлигимиз муҳим аҳамият касб этади. Ҳудудлар ва туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш схемасига мувофиқ **“маҳалла – туман(шаҳар) – вилоят – республика”** тамойилига кўра амалга оширилади. Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад ҳудудлар ва туманлар (шаҳарлар)ни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар ишини ташкил этиш схемасига мувофиқ **“маҳалла – туман(шаҳар) – вилоят – республика”** тамойилига нафақат секторлар раҳбарлари, балки шу ҳудудда истиқомат қилаётган ҳар бир салоҳиятли, маъсулиятли инсон олдида турган ватанпарварлик, инсонийлик бурч ва мажбурият ҳисобланади. Чунки ҳар биримиз оиламиз даромадини ошириш учун янги-янги ғояларни ўйлаймиз, шаклланган ғоямизни амалга ошириш учун имконият ва шарт-шароитлар излаймиз. Ушбу масалаларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йилни **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш”** йили деб белгиланганлиги бежиз эмас. Шунинг учун 2018 **“Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш”** йилига бағишлаб ишлаб чиқилган давлат дастурига мувофиқ олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизни рўёбга чиқариш шарт-шароитлари бизга тадбиркорликда фаоллик, шаклланган инновацион ғоялар ва технологияларимизни рўёбга чиқаришга кенг имкониятлар яратади. Бунинг учун биз маъсулиятни сезиб, оиламиз фаровонлигини ва мамлакатимиз равнақини ўйлаб ҳаракат қилишимиз зарурияти билан иш билан бандликни таъминлаш ва даромадни ошириш воситасини амалиётга тадбиқ этиш вазифасини бажаришга киришиш имкониятига эга бўляпмиз. Жаҳондаги ривожланган давлатлар тажрибаси шуларни асослаб бермоқдаки, Осиёда

жойлашган 1 миллиард 200 млн. халки бўлган Хитой Халк республикаси ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб, бозор иқтисодиётига ўта бошлаган. Хитой халки олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни тўғри қабул қилиб ўзларининг турмуш фаровонлигини ўйлаб, узоқни кўзлаб тадбиркорлик саҳосида ҳар бир оила ва унинг аъзолари ўзаро жипслашиб ички ва дунё бозорини ўрганишга киришганлар. Натижа шундан далолат бермоқдаки бугунги 2 миллиард 300 миллиондан ошган Хитой халқининг яшаш тарзи дунёда нуфузли ўринда туради. Хиндистон ҳам аҳоли сони жихатидан дунёда 2-ўринда туради уларнинг тадбиркорлик борасида сай-ҳаракатлари ва интилишлари турмуш фаровонлигини юксалишига олиб келди. Жанубий Корея республикасининг 80 миллион халқи ҳам бозор иқтисодиёти конунқоидаларни тез самарали ўзлаштириб, олиб бориб ислохотларни тўғри қабул қилиб, фарзанд тарбияси ва турмуш фаровонлигини, оила ва мамлакатининг равнақи йўлида тадбиркорликни ривожлантириб бугунги кундаги ривожланишга эришганлар. Бизнинг халқимиз ҳам узоқ ўтмишга назар соладиган бўлсак, узоқ тарих ва юксак маданиятга эгаллиги, қадирият ва менталитетимиз улуғлиги ҳамда келажагимизга ишонч ҳосил қилиб олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни оила бошлиғи ва унинг аъзолари билан биргаликда, бозор иқтисодиётининг ҳозирги ҳолатида яқка тартибда, оилавий тадбиркорлик ва бўш турган пул маблағларимизни шерикчилик асосида бирлаштириб маъсулияти чекланган жамият, хусусий қархона ташкил этиб ишлайдиган давр келди. Оиламиз турмуш фаровонлигини юксалтириш учун қишлоқ жойларида уй хўжалигига ажратиб берилган таморқамизнинг ҳар бир қарич еридан унумли меҳнат сарфлаб самарали фойдаланишимиз лозим. Бу дегани таморқа хўжалигимизда икки ёки уч марта ҳосил олиш тўғрисида, тадбиркорликнинг янги турларини шакллантириш борасида барча оилаларда мавжуд мобил телефон ва бошқа ахборот олиш воситалари орқали ижтимоий тармоқлардан илмий янгиликларни ўрганиб оила даромадини ошириш учун сарф харажат қилиш ва ҳар бир сарфланган сўмга мос самарали даромад оладиган муҳитни шакллантиришни фарзандларимизга тушунтириш ва тарғиб қилиб, мамлакатимизда берилаётган имтиёз ва яратилган шарт-шароитлардан имкониятларимиз, қобилиятларимиз, иқтидорларимиздан фойдаланиб амалга оширадиган давр келди. Бунинг учун уй хўжалигимизга умрбод фойдаланиш мақсидида ажратилган экин майдонида интенсив боғдорчилик, сабзаёт ва полиздан, чорва озуқаси учун икки ва уч марталик экин турларини жойлаштириш орқали ҳосилдорликни юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этмоқда. Уй шароитида қўшимча даромад келтирадиган саҳоларни қуёнчилик, беданачилик, домбоқ жўжа боқиш ва товукчилик, эчкичилик, кўйчилик, бўрдоқчилик, асаларичилик, балиқчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорти билан шуғулланадиган

кархоналар,тикувчилик.қайта ишловчи кархоналар билан ҳамкорликда касаначилик фаолиятида ишларни ташкил этиш лозим. Бундай ишларни ташкил этишда ҳар бир оила аъзоси тушуниб,асдойдил ҳаракат қилсалар эришамиз.Гадбиркорлик ғоясини амалга ошириш ва ишни бошлашда бозорда ишончли таваккалчилик қилиб, бизнес фаолиятимизни илмий асослаб бизнес режани тузиш лозим.Бизнес режани тузганда илмий ғояни асосланган тарзда амалга оширишнинг ташкилий,молиявий,ижтимоий-иқтисодий ва кенгайтириш ёки тугатиш бўлимлари тўлиқ ёритилади.

БИЗНЕС РЕЖА НИМА БУ?

- 1.Сизнинг бизнесингиз учун режали ривожланиш.
- 2.Сизнинг лойиҳани,сизнинг бозорни чуқур ўрганиш.
3. Режали фаолият ва молиявий режа.

БИЗНЕС РЕЖА НИМА УЧУН ЗАРУР.

1. Нимага ҳамкор излайдилар: молиявий саҳода,маркетингда,бошқарувда
2. Сиз учун: ўзингизни лойиҳангиз ривожланишида ҳаммасини сиз ўйлашингиз нималарга олиб боради
3. “Бизнес, маълум маънода, бировларнинг чўнтагидаги пулни зўрлик ишлатмай олиш санъатидир”

СИЗНИНГ БОЗОР

- 1.Бозор орқали талабга таъсир қилиш?
- 2.Далиллар ва сонлар, анъаналарни қўллаш.
- 3.Бозор иштирокчилари: рақобат,талаб ва таклиф.
- 4.Эҳтиёжлар ўсиши ва эҳтиёжни қондириш.

СИЗНИНГ СТРАТЕГИЯ

- 1.Бозордаги рақобатда сизнинг ёндашувингиз (кучли ўринда/кучсиз ўринда/имкониятингиз/ таваккалчилик/ сизнинг стратегиянгизда бозор таҳлили)
- 2.Сизниг мақсадингиз нима билан тугайди? Қанақа манбалардан бунда фойдаланиш орқали?
- 3.Қандай хизмат ва товарларни сиз таклиф этасиз.
- 4.Қисқа,ўрта ва узок муддатли мақсад.

Фойдалилик

- 1.Фойдалилик нимани англатади?
- 2.Молиявий даромад ва фойданинг бир йил давомидаги инсон эҳтиёжидир.
- 3.Инвестиция ва молиявий башоратлар асосида фойда: муносабатларга тўловлар,соф шаклланган қиймат,мамлакатлар ичидаги фойда нормаси.

СИЗНИНГ ГУРУҲИНГИЗ

- 1.Сизнинг кадрларга бўлган эҳтиёжингиз режада таъминланганлиги қанақа яқунланади,қобилиятлилик?
- 2.Зарур мутахасисларни излаш!
3. Қандай уларни излаш ва ажратиб олиш?

ИНДИКАТОРЛАР

- 1.Бизнес режани ишлашда ва бизнесингиз ҳолатини бозорда тўғри тушиниш (молиявий/инсоний)
- 2.Маблағлар жалб этиш (кредитлар/грантлар)
- 3.Иқтисодий фаолиятни ташкил этиш (хуқуқий саволлар)+банк хизматлари (банкдаги хисобингиз)
- 4.Ҳамкорлик маблағлари орқали бозорда сизнинг бизнесни ривожлантиришингиз ва бошқалар билан ўзаро алоқаларингиз,рекламалар ва бош.

Бизнес - Режа тузишингиз ва унинг мувоффақиятли бўлишига ўзингиз ишонч ҳосил қилишингиз лозим. Бизнес – режа,аввало, тадбиркорнинг ўзи учун муҳимдир. Бизнес – режа сизнинг ғоянгни келажакда мувоффақиятли амалга оширишга ҳизмат қиладиган бетакрор ҳужжат ҳисобланади.

Бизнес режада қуйидаги саволларга жавоб излаш керак.

- 1.Корхонанинг қандай фаолият олиб бориши ва бозорда қандай ўринни эгалашини аниқ ёритиб бериши керак;
- 2.Ташкил этилаётган корхонанинг барча ишлаб чиқариш тавсифини аниқ ёритиши лозим;
- 3.Корхона фаолият юритиш схемасининг ҳар бир босқичини тўлиқ ифодалаши лозим;

4.Молия маблағларини бошқариш дастурини ўз ичига олган ҳолда,ундан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаши лозим;

5.Кредит берувчи банкларга корхона фаолиятининг истиқболларини кўрсатиб бериши лозим.

Бизнес режа зарурийлиги

- 1. Бизнес – Режани тузганингизда,сиз лойиҳангизни ҳар хил хом ҳаёлларсиз янада танқидий ва реал тарзда кўриш имкониятига эга бўласиз;
- 2. Бизнес – режа- бу бизнесда қўлланиладиган шундай воситаки ,сиз шу воситанинг тўла ишлашини таъминлаш билан бирга лойиҳангизни муваффақиятини амалга ошишини ҳам таъминлайсиз.
- 3.3.Маҳсулот (хизмат)га бўлган талаб ва уни ўсишининг асосий омиллари;
- 3.4.Маркетинг концепцияси,сотиш истиқболлари;
- 3.5.Бозорларнинг жойлашиши;
- 3.6.Маҳсулот (хизмати)ни сотишни ташкил этиш;
- 4.Ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) объектининг жойлашиши;
- 4.1.Танланган жойнинг тавсифи;
- 4.2.Бозорлардан узоқлиги ва мавжуд транспорт коммуникациялари;
- 4.3.Объектининг атроф-муҳит ва экология таъсири;
- 5.Лойиҳанинг умумий қиймати;
- 6.Технология ва лойиҳалаштириш;
- 7.Моддий ресурслар;
- 8.Ишчи кучи;
- 9.Солиқлар;
- 10. Реклама;
- 11.Молиявий баҳолаш;
- 12.Хулоса;
- 12.1.Лойиҳанинг асосий ютуқлари ҳамда камчиликлари;

● 12.2. Лойиха бўйича мавжуд ҳавф-хатарлар;

Тадбиркорлик нимадан бошланади?

- Тадбиркорлик бизнес ғоядан бошланади. Лекин бизнес ғоянинг ўзи ижобий натижа берувчи бизнес учун етарли эмас. Унинг учун аниқ хисоб китобларга асосланган режа тузиш керак бўлади. Бизнес – Режа - бизнес ғояни амалга ошириш мақсадида бажарилиши мумкин бўлган ишлар ва хизматлар жамланмаси.
- Бизнеснинг мақсадлари, вазифалари ва пировард натижалари нечоғлик аниқ белгилаб олинган бўлса, унинг хатари ҳам шунга яраша кам бўлади.
- Бизнес билан шуғулланишдан асосий мақсад фойда олишдир. Шу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режалаштирада, харидорлар учун зарур ва керакли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, хизматлар кўрсатишга, харид қилишга, сотишга, рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилинади.

● Лойиханинг асосий мақсади

Бундай мақсадни амалга ошириш учун эса хўжалик нбанк томонидан уч йил муддатга 6 000 000 (етти миллион) сум кредит маблаги олишни режалаштирган.

Ушбу маблаг Қуйидагича сарфланади.

| № | Маблаг сарфланиши | Суммаси |
|---|-------------------------------|---------------|
| 1 | 2 бош кора молни сотиб олишга | 5 000 000 сум |
| 2 | Озуқа ем сотиб олишга | 1 000 000 сум |
| | Жами | 6 000 000 сум |

Қуйидаги жадвалда хўжаликнинг ўз маблағлари ва жалб қилинадиган маблағларнинг ҳаракатини кўриб ўтамыз:

ЛОЙИХА КИЙМАТИ

| <i>Харажат моддалари</i> | <i>Лойихалаштириши манбалари</i> | | | | |
|---------------------------------|----------------------------------|--------------|--------------------------------|----------------|----------------|
| | <i>Ўз маблағлари</i> | | <i>Жалб қилинган маблағлар</i> | | <i>Жами</i> |
| | <i>Хўжалик</i> | <i>Жами</i> | <i>Хизмат кўрсатувчи банк</i> | <i>Жами</i> | |
| Ер | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Бино ва иншоотлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Реконструкция | | 0 | | 0 | 0 |
| Машина ва жихозлар | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Жихозлар | | 0 | | 0 | 0 |
| Қорамол сотиб олиш учун | 0 | 0 | 5000000 | 5000000 | 5000000 |
| Айланма капитал | 50000 | 50000 | 1000000 | 1000000 | 1050000 |
| Ишлаб чиқариш захиралари | | 0 | 0 | 0 | 0 |
| Жами | | 50000 | | 6000000 | 6050000 |

МОЛИЯЛАШТИРИШ РЕЖАСИ

2-илова

| Моддалар | Маҳаллий валюта | Жами | Структура (%) | Улуши (%) |
|----------------------|-----------------|--------------|---------------|------------|
| Ўз маблағлари | | | | |
| <i>Ўз маблағлари</i> | 50000 | 50000 | 100% | |
| Жами | 50000 | 50000 | 100% | 30% |
| Кредитлар | | | | |

| | | | | |
|---|----------------|----------------|-------------|-------------|
| Қорамоллар сотиб олиш учун йўналтирилган маблағлар | 5000000 | 5000000 | 71% | |
| Озуқа ем | 1000000 | 1000000 | 29% | |
| Ўрнатиш ва монтаж ишлари | 0 | 0 | 0% | |
| ЖАМИ КРЕДИТЛАР | 6000000 | 6000000 | 100% | 70% |
| ХАММАСИ | 6050000 | 6050000 | | 100% |

Маҳсулот етиштириш хажми

| | 1 дона қорамолни кунлик ўртача семириши, кг | 2 бош қорамолларни 1 кунлик семириши, кг | 2 бош қорамолларни 1 ойлик семириши, кг | бош қорамолларни 1 йиллик семириши, кг |
|--------------------|--|---|--|---|
| Қорамоллар сони | | | | |
| 2 | 0,6 | 1,2 | 18 | 218.4 |

Изох: бўрдоқига бокилаётган қорамоллар ҳар олти ойда сотилади ва ўрнига янгиси сотиб олинади.

Хўжаликда қорамолларни шелуха, кунжара, комбикорм ва хашаклар билан бокилади. Ушбу озуқа ем сарф харажатларини қуйидаги жадвалларда кўриб ўтамыз.

Бир дона қорамол учун сарфланадиган озуқа-ем:

| Озуқа-ем номи | Ўлчов бирлиги | Бир кунлик сарф миқдори | Бир ойлик сарф миқдори | Бир йиллик сарф миқдори |
|------------------|------------------|----------------------------|---------------------------|----------------------------|
| Шелуха | Кг | 1,5 | 45 | 540 |
| Кунжара | Кг | 1 | 30 | 360 |
| Комбикорм | Кг | 1,5 | 45 | 540 |
| Хашак | Бог | 1 | 30 | 360 |

2 бош қорамолни боқиш учун сарфланадиган Озуқа-ем харажатлари:

| № | Озуқа-ем номи | Ўлчов бирлиги | Нархи | Бир ойлик сарф харажат миқдори | Бир ойлик сарф харажат, сум | Бир йиллик сарф харажат миқдори | Бир йиллик сарф харажат, минг сум |
|---|---------------|---------------|-------|--------------------------------|-----------------------------|---------------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Шелуха | Кг | 700 | 45 | 31500 | 545 | 381500 |
| 2 | Кунжара | Кг | 2000 | 30 | 60000 | 360 | 720000 |
| 3 | Комбикорм | Кг | 1000 | 45 | 45000 | 545 | 545000 |
| 4 | Хашак | бог | 1000 | 30 | 30000 | 360 | 360000 |
| | Жами | | | | 166500 | | 2006500 |

Етиштирилган маҳсулотларни сотиш хажми

| № | Маҳсулот номи | Сотилиш нархи | 1 ойда етиштирилган маҳсулот миқдори, кг | 1 ойлик тушум, сум | 1 йилда етиштирилган маҳсулот миқдори, кг | 1 йиллик тушум, сум |
|---|---------------|---------------|--|--------------------|---|---------------------|
| | Гушт | 35000 | 18 | 630000 | 218.4 | 7644000 |

Қуйидаги жадвалда маҳсулот етиштириш хажми, унга сарф бўладиган сарф харажатлар ва олинадиган фойдани кўриб ўтамиз.

| № | Харажат номи | Бир ойда, сум | Бир йилда, минг сум |
|----------|---|------------------|---------------------|
| | Озуқа ем | 166500,00 | 2006,500 |
| | Иш хаки | | |
| | | | |
| | | | |
| | Дори дармонлар ва бошка харажатлар учун | 500,00 | 36,00 |
| I | Маҳсулот етиштириш таннари | 167000,00 | 2042,500 |

| | | | |
|------------|--|---------------|-----------------|
| | Давр харажатлари | | |
| II | Тўла таннарх | 167000 | 2042,500 |
| III | Етиштирилган маҳсулотдан тушган тушум | 630000 | 7644,000 |
| IV | Фаолиятдан кўрилган фойда | 463000 | 5601,5 |

Уй хўжаликларида эчкичилик, кўйчилик ва қуёнчиликни йўлга қўйиш кўшимча даромад олиш имкониятлари мавжуд.

Ташкилий ва ишлаб чиқариш режаси.

Тадбиркор маҳсулот етиштиришда оила аъзолари билан меҳнат фаолияти олиб боради.

ПАРРАНДАЧИЛИК ФАОЛИЯТИ БУЙИЧА

Корхона бир йилда 150 дона товукдан 36000 дона тухум ишлаб чиқариш қувватига эга

Корхона маҳсулот ишлаб чиқаришда асосан ем, дори-дармон ва кадоклаш хом-ашёсидан фойдаланади. Дастлаб ушбу харажатларни кўриб чиқамиз

| № | Хом-ашё номи | Ўлчов бирлиги | Нархи | Бир ойлик сарф харажат миқдори | Бир ойлик сарф харажат, минг сум | Бир йиллик сарф харажат миқдори | Бир йиллик сарф харажат, минг сум, |
|---|----------------------|---------------|-------|--------------------------------|----------------------------------|---------------------------------|------------------------------------|
| 1 | Маккажухори | Кг | 1500 | 128,47 | 192705 | 1541,60 | 2312.4 |
| 2 | Бугдой | Кг | 1300 | 85,64 | 111332 | 1027,73 | 1336.04 |
| 3 | Ег | Кг | 2200 | 4,40 | 9677 | 52,79 | 1161.27 |
| 4 | Кепак | Кг | 1000 | 121,87 | 121870 | 1462,41 | 1462.41 |
| 5 | куколка | Кг | 650 | 42,82 | 27835 | 513,87 | 334.016 |
| 6 | кунжара(кунгаб окар) | кг | 1500 | 32,95 | 49425 | 395,37 | 593.05 |

| | | | | | | | |
|----|-------------------|----|-------|-------|--------|--------|---------|
| 7 | Солод | Кг | 400 | 46,10 | 18439 | 553,17 | 221.268 |
| 8 | Туз | Кг | 200 | 3,28 | 655 | 39,32 | 7.863 |
| 9 | Суяк уни | Кг | 500 | 29,63 | 14813 | 355,50 | 177.750 |
| 10 | Трикальций фосфат | Кг | 600 | 16,47 | 9884 | 197,69 | 118.611 |
| 11 | Витамин Д-3 | Кг | 50000 | 0,42 | 21063 | 5,06 | 252.750 |
| 12 | Чой содаси | Кг | 600 | 2,20 | 1320 | 26,40 | 15.840 |
| 13 | Лизин | Кг | 8000 | 0,28 | 2250 | 3,38 | 27.000 |
| 14 | Метанин | Кг | 7000 | 0,14 | 980 | 1,68 | 11.760 |
| 15 | Аскорбинка | Кг | 10000 | 0,13 | 1250 | 1,50 | 15.000 |
| 16 | Мультимакс | Кг | 9000 | 1,08 | 9686 | 12,92 | 116.235 |
| 17 | Ракушка | Кг | 100 | 39,55 | 3955 | 474,56 | 47.456 |
| 18 | Кунжара (пахта) | Кг | 1500 | 32,95 | 49425 | 395,37 | 593.05 |
| | Жами | | | | 597139 | | 8803.74 |

Тадбиркор тўла қувват билан ишлашда қуйидаги сотиш ҳажмини амалга оширади

| Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | Нархи | Бир ойда ишлаб чиқариш ҳажми | Бир йилда ишлаб чиқариш ҳажми | Бир ойлик тушум, сум |
|---------------|---------------|--------|------------------------------|-------------------------------|----------------------|
| тухум | дона | 700,00 | 3 000,00 | 36 000 | 25200 000 |
| ЖАМИ | | | | | 25 200 000 |

Корхонада ишлаб чиқариш ва маҳсулот етиштиришда бўладиган коммунал харажатлар:

| № | Коммунал харажат номи | Ўлчов бирлиги | Нархи | Бир ойлик сарф харажат миқдори | Бир ойлик сарф харажат, сум | Бир йиллик сарф харажат, минг сум |
|---|-----------------------|---------------|-------|--------------------------------|-----------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Электр энергия | кВт | 264 | 1000 | 264000 | 3168 |

Қуйидаги жадвалда маҳсулот етиштириш хажми, унга сарф бўладиган сарф харажатлар ва олинадиган фойдани кўриб ўтамиз.

| № | Харажат номи | Бир ойда, сум | Бир йилда, минг сум |
|------------|--|-------------------|---------------------|
| | Хом ашё | 597139 | 8803,74 |
| | Коммунал харжатлар | 264000,00 | 3168,00 |
| | Кузда тутилмаган харажатлар | 50000,00 | 600,00 |
| I | Маҳсулот етиштириш таннарни | 893139 | 12571.74 |
| II | Тўла таннарх | 893139 | 12571.74 |
| III | Етиштирилган маҳсулотдан тушган тушум | 2100000,00 | 25200,00 |
| V | Фаолиятдан кўрилган фойда | 1206861 | 12628.26 |

Ўзбекистон Республикаси

_____ вилояти _____ тумани

_____ тумани _____ маҳалласида яшовчи фуқаро

БИЗНЕС РЕЖАСИ

_____ тумани.

Умумий булим.

Фуқаро _____ 19__ йил __ _____ да
_____ туманида туғилган. Ҳозирги кунда _____
касб-ҳунар коллежида 3-курс битирувчи толиби.

Паспорт маълумоти:

Паспорт _____ туман ИИБ томонидан
20__ йил __ _____ да берилган.

Маълумоти ўрта махсус ҳўжалик масалалари бўйича ҳуқуқшунос.

Фаолият олиб бориладиган манзил: _____ тумани _____
маҳалласи

Лойханинг асосий ҳолати.

_____ ҳозирги кунда мамлакатимизда халқ моддий
турмуш даражасини яхшилашда узининг муносиб ҳиссасини қўшиш ниятида,
асалари боқиш ва аҳолини асал маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад
қилган.

Шу билан бирга ишчи-ходимларга иш шароитини яратишга ҳамда ишчиларнинг оилавий шароитини яхшилашга вазият яратилади.

Ушбу лойихани амалга ошириш мақсадида _____ томонидан 10 000 000 (ун миллион) сўм қарз сўралмоқда, маблағлар Қуйидагича тақсимланади:

1- жадвал (минг сум ҳисобида).

| Т/б № | Харажатларнинг Номланиши | Корхона ҳисобидан | Қарз ҳисобидан | Ж А М И |
|-------|--------------------------|-------------------|-----------------|-----------------|
| 1 | Маҳсулот олиш учун | - | 5800,0 | 5800,0 |
| 2 | Транспорт хизмати | - | 2500,0 | 2500,0 |
| 3 | Уруглик | - | 1700,0 | 1700,0 |
| | Ж А М И : | - | 10 000,0 | 10 000,0 |

1-жадвалдан келиб чиққан ҳолдаасал маҳсулотларини етиштириш мақсадида 10 000 000 (ўн миллион) сўм харажат қилинади ва лойиха амалга оширилади.

Бозор ҳолатининг таҳлили

Инсон мавжуд экан, унинг ҳар кунини эҳтиёж молларини қондириш, ва озиқ- овқат маҳсулотларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шулардан асосийси озиқ - овқат маҳсулотларидир, мадомики шундай экан, _____ банкдан қарз олиб, олган қарзига асаларичилик учун зарур воситаларни сотиб олиб, вилоятимиз ҳамда туман аҳолисига сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришга ўз ҳиссасини қўшади. Ҳозирги кунги бозор шароитида бу турдаги маҳсулотларни сотиб олиш ва уларни етказиш айни муддаодир.

Ташкилий режа

Лойиханинг асосий кўрсаткичларидан бири, режалаштирилаётган тадбиркорлик фаолиятида ишчи кучини мужассамлаштиришдир. Фаолиятдада 3 та ишчи ўрни яратилади.

2-жадвал.

| Т/б № | Штатлар Жадвали | Ишчилар Сони | Иш Хаки | Ойлик иш хаки | Йиллик иш хаки |
|-------|--------------------|-----------------|------------|------------------|-------------------|
| 1 | <i>Бошлик</i> | 1 | 250 000 | 250 000 | 3 000 000 |
| 2 | Ишчи | 2 | 150 000 | 300 000 | 3 600 000 |
| | Ж а м и : | 3 | 400 000 | 550 000 | 6 600 000 |
| | Соликлар | - | 120 000 | 165 000 | 1 980 000 |
| | Х а м м а с и : | - | 520 000 | 715 000 | 8 580 000 |

2-жадвалдан келиб чиққан ҳолда, фаолиятнинг иш хақи бир йилга 8 580 000 (саккиз миллион беш юз саксон минг) сўмни ташкил қилади.

Йиллик маош 1 йилга мўлжалланган бўлиб кейинги йилларда ўртача маош даромадга қараб оширилиб борилиши мумкин.

Молиявий режа

Тадбиркорда асосий воситаларни сақлаш ҳамда қайта тайёрлаш мақсадида керакли омборхона ҳамда ишчи кучлари мавжуд.

Тадбиркорнинг бир маротиба асалари маҳсулотларини етказиб беришдан оладиган даромади.

3-жадвал. (минг сўмда)

| Т/б № | Харажат Турлари | Ўлчов бирлиги | Сотув нархи | Ишлаб чиқариш | Даромад минг сўм |
|-------|--------------------|------------------|----------------|------------------|---------------------|
| 1 | Уруглик | кг | 35,0 | 800 кг | 28 000,0 |
| | Жами: | Х | 35,0 | Х | 28 000,0 |

3-жадвалдан келиб чиққан ҳолда тадбиркор бир йилда кўрадиган даромади 28 000 000 (йигирма саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

Асалари маҳсулотларини сотишда

қилинадиган харажатлар.

4-жадвал (минг сумда).

| <i>Т/б</i> № | Харажат турлари | Қилинадиган харажатлар суммаси |
|------------------|---------------------------|-----------------------------------|
| 1 | Шакар | 2 500,0 |
| 2 | Асалари учун дори -дармон | 5 000,0 |
| Ж а м и : | | 7 500,0 |

4-жадвалдан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалиги бир йил мобайнида лойиҳани амалга ошириш мақсадида қиладиган харажатлари 16 080 000 (ун олти миллион саксон минг) сўмни ташкил этади.

Қарз ва қарз фоизларини қайтариш.

5-жадвал (минг сумда).

| <i>Т/б</i> № | Қарзни қайтариш турлари | 1 - йил | 2 йил | 3 йил |
|------------------|----------------------------|----------------|----------------|----------------|
| 1 | <i>Асосий қарз</i> | 2200,0 | 3500,0 | 4300,0 |
| 2 | Қарз фоизи - 6% | 600,0 | 600,0 | 600,0 |
| Ж а м и : | | 2 800,0 | 4 100,0 | 4 900,0 |

Қорхона асалари маҳсулотларини сотиб олиш ҳамда вилоятимиз халқига сифатли етказиб бериш мақсадида 10 000 000 (ун миллион) сўм қарз олиб 3 йилдан сўнг 10 000 000 (ун миллион) сўм қарзни ва 1 800 000 (бир миллион саккиз юз минг) сўм қарз фоизини қайтариб 3 йилни 11 920 000 (ун бир миллион туккиз юз йигирма минг) сўм соф фойда билан яқунлайди.

Тадбиркор қарз олиб уни мақсадли ишлатиш ва қайтариш қобилиятига эга.

Уй хўжалиги лимон маҳсулотарини сотишни ҳисоб китоб килганида шу нарса аниқландики, 6 дона урта катталиқдаги лимон 1 кг ни ташкил этади.

Юқорида айтиб утилганидек уй хўжалиги лойиха буйича жами 100 туп лимон кучатини экишни режалаштирган булиб, кучатлар 2- йилдан нишона беришини ҳисобга оладиган булсак, 2- йилда ҳар бир дарахтдан уртача 4-6 дона лимон мевасини олиш мумкин. Демак ҳар бир лимон кучатидан урта миқдорда 5 донадан мева олинса, жами 100 туп кучатдан 2- йилда уй хўжалига жами 1000 дона ёки 167 кг лимон мевасини олишга эришилади.

Яъни :

5 дона лимон X 100 туп кучат = 500 дона лимон

500 дона лимон / 6 дона лимон = 83.3 кг лимон X 2 йил = 166.6 X 10000 = 1666000

Демак, уй хўжалиги 2- йилда жами ўрта ҳисобда 166.6 кг лимон мевасини етиштириб, 1 кг лимонни 10000 сумдан сотганида 1 666 000 сумлик лимон маҳсулотини сотишга эришади.

166.6 кг лимон X 10000 сум = 1 666 000 сум

Демак уй хўжалиги 2- йилда жами 166.6 кг лимон етиштириб, жами 1 666 000 сумлик маҳсулот сотишга эришса, 3- йилда ҳар бир лимон кучати уртача 15-20 донадан мевага беради. Бунга кура фермер хўжалиги 3- йилда жами уртача ҳар бир дарахтдан 18 донадан лимон мевасини олса жами 100 туп кучатдан 1800 дона ёки 300 кг ҳосил олишга эришади. ҳар бир кг лимон меваси 10000 сумдан сотилганда уй хўжалиги 3-йилда жами 4 666 000 сумлик маҳсулот сотишга эришади. Бу эса 2-йилга нисбатан 4 баравар ортик маҳсулот сотишга эришиш мумкинлигидан далолат беради.

Юқорида уй хўжалигининг лимон маҳсулотидан олинадиган тушуми курсатиб утилган булса, Қуйида лойиханинг колган йуналишлари яъни помидор ва бодринг маҳсулотларини етиштириш буйича қилинадиган сарф харажатлар ва тушумлар курсатиб утилади.

Юқорида айтиб утилганидек, хўжалик лойихага ажратилган ернинг 10 сотих майдонига помидор, 10 сотих ерга эса бодринг маҳсулотларини экишни режалаштирган. Ажратилган ер майдонида бугунги кунда богдой экини борлиги сабабли июл ойидан бошлаб Ушбу йуналишдаги лойиха амалга оширилади.

Барчага маълумки, бугунги кунда мавсумдан олдин аҳолига помидор ва бодринг маҳсулотларинини етказиб бериш кенг ривожланиб бормокда.

Урганилган бозор ҳолатлари шуни курсатмокдаки, шаҳар ҳудудида жойлашган дехкон бозорларига ҳамда озик овқат маҳсулотлари билан савдо килувчи савдо сажмуаларига помидор ва бодринг маҳсулотларини туманларда фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари ва иссиқхона фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан етказиб берилмокда.

Уз узидан маълумки, маҳсулот таннархи ошгани сайин унинг ҳам нархи ортиб боради. Уй хўжалиги колган ракобатдошларга қараганда йул харажатларининг камлиги ҳисобига устунликка эришиш мумкин.

Килинган ҳисоб китобларга қараганда, агар ерни уз вақтида парваришланса, керакли миқдорда минерал угитлар билан таъминланса, хар бир сотих ердан урта миқдорда 40 кг гача бодринг олинса, помидор эса 1 сотих ерда 60 кг гача маҳсулот бериши мумкин.

Одатда ушбу полиз экинлари куп йиллик булмаганлиги сабабли, бир йилда жами 5 маротаба(маҳсулотлар 2,5 ойда пишиб етилади.) экиш мумкин. Бунга кура бир йилда бир сотих ердан жами 200 кг гача бодринг маҳсулотини, 300 кг гача эса помидор маҳсулотини олиш мумкин.

Агар бир сотих ердан бир йилда жами 200 кг бординг олинса, ажратилган 10 сотих ердан жами бир йилда урта ҳисобда 2 000 кг гача бодринг олиш мумкин.

Помидор маҳсулоти учун ажратилган 10 сотих ер майдонидан бир йилда жами уртача 3000 кг маҳсулот олиш мумкин бўлади.

Демак бир йилда жами помидор ва бодринг маҳсулотлари 5000 кг ни ташкил этса, бозор ҳолати буйича улгуржи нархларда уртача 2500 (ёз кунларида нархнинг тушиб кетиши ва киш ойларида эса кескин кутарилишини ҳисобга олган ҳолда урта ҳисобда олинади) сумдан сотилганда, жами бир йилда 12500 000 сумлик маҳсулот сотишга эришилади.

Уй хўжалиги иккинчи ва учинчи йилларда жами 31250 000 сумлик помидор ва бодринг маҳсулотларидан даромад олиши мумкин.

Демак уй хўжалиги уч йилда жами маҳсулотларидан (лимон, помидор ҳамда бодринг) 45416000 сумлик даромад олиши мумкин.

УЙ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЙИЛЛИК ХАРАЖАТЛАРИ

Иқтисодий ривожланишнинг барча соҳаларида маълум даражада харажатлар бўлгани каби уй хўжалигининг ривожланишда ҳам бир қатор харажатлар юзага келади. Уй хўжалиги лойихани амалга ошришидан аввал бугунги кундаги бозор ҳолатини ўрганиб чиқишга

қарор қилган. Бунга кўра уй хўжалиги ўз харажатларини қисқартириши учун қуйидаги имкониятлардан фойдаланган яъни:

- иссиқхона учун газ системасидан фойдаланмаслик:

-хамкорларга маҳсулотни етказиб беришдаги йул харажатларининг камлиги ва бошкалар.

Барчага маълумки, маҳсулот ёки хизматнинг таннархи унинг харажатларига бевосита боғлиқдир. Шунинг учун уй хўжалиги ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда имкон қадар харажатларини қисқартириши натижасида янги ишчи ўринларини яратиш, вилоятдаги бошқа хуудларда ҳам ўз фаолиятини кенгайтиришни режалаштирган.

Уй хўжалигининг умумий харажатлари кўрсатилиб ўтади.

Демак уй хўжалиги банкдан 3 йил муддатга 15 000 000 сўм миқдорида йиллик 15 фоиз устамаси билан қайтариб бериш шарти билан кредит олса, 3 йилда уй хўжалиги 45416 000 сўм тушум хисобига мавжуд бўлган харажатлар яъни банкдан олинган карзига 21750000 сўм, бошка умумий харажатларга 3666000 тўланса, қолдиқ 20000000 сўм миқдорда соф фойда олади. Шу билан бирга уй хўжалиги ташкил этган иссиқхонасида ҳар хил кўкатлар ва гулларни экиб қўшимча фойда олиш, ўзининг фаолиятини кенгайтириш имкони тугилади ва ишчилар сонини ҳам ошишига сабаб бўлади.

Балиқчиликнинг асосий ютуқларини уй хўжалигига тадбиқ қилиб қўшимча даромад олиш имконияти ҳар бир оила 10,20 ва 50 кв.метрга мўлжалланган суний ховузида балиқ боқиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари шоли экиладиган экин майдонида балиқ етиштириб қўшимча даромад олиш мумкин.Шолига мўлжалланган экин майдонига мос келадиган балиқ чавоқлари юборилганда қўшимча сарф харажатлар омухта емга,ветеранерия ажратмалар қисқариб олинадиган фойда икки тамонлама амалга оширилади.Қуйидаги жадвалдан фойдаланиб балиқ турлари бўйича ҳар бир кг ёки донасига сарфланадиган сарф харажат миқдорини аниқлаб олишингиз учун тавсия этилади .

**ОЗУҚА МАҲСУЛОТЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШ
ХАРАЖАТЛАРИ**

| № | Номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Жами сумма |
|--|------------------------|--------------------------|-------------|--------------|-----------------------|
| Майда балиқларни сотиб олиш учун: | | | | | |
| 1 | Мой бош | Кг | 500 | 9 000 | 4 500 000 |
| 2 | Сазан | Кг | 200 | 15 000 | 3 000 000 |
| 3 | Пёстри | Кг | 150 | 14 000 | 2 800 000 |
| | Ж а м и : | | | | 10 300 000 |
| Озуқа маҳсулотларини сотиб олиш учун: | | | | | |
| 1 | Гўнг | Тн | 12 | 80 000 | 960 000 |
| 2 | Омухта ем | тн | 12 | 800 | 9 600 000 |
| 3 | Оддий супер фосфат | Кг | 500 | 500 | 250 000 |
| 4 | Амиакли слитра | Кг | 500 | 340 | 170 000 |
| 5 | Гранула супер фосфат | Кг | 500 | 400 | 200 000 |
| 6 | Иккиламчи супер фосфат | Кг | 250 | 400 | 100 000 |
| | Ж а м и : | | | | 11 280 000 |
| | Хаммаси: | | | | 21 580 000 |

Уй хўжалигида бўш қолган аёллар учун хар хил пишириқлар,нон ва нон маҳсулотларини тайёрлаб сотиш, тикиш бичиш ишларини, тўшамчалар,кўрпа ёстиқ бошқа хўжаликка керакли анжомларни ишлаб чиқариб сотиб қўшимча даромад олиш имконияти мавжуд.Бунинг учун фақат интилиш мавжуд қобилиятни ишга солиш кўзланган мақсадни рўбга чиқаришга ҳаракат қилиш лозим.

Назорат учун саволлар.

- 1.Кўшимча даромадга эга бўлиш учун сиз нима қилишингиз керак.
- 2.Уй хўжалигингизда қандай саҳо билан шуғулланишни хоҳлайсиз.
- 3.Сизни қизиқтирган саҳони амалга ошириш имкониятингизни синаб кўринг.
- 4.Бизнесни режалаштириш мазмуни ва моҳияти нимани ўргатади.
- 5.Бизнесда таваккалчилик деганда нимани тушунасиз.
- 6.Мамлакатимизда яратилаётган шарт-шароитлардан фойдаланишда оилада аъзоларининг масъулияти қандай.
- 7.Мамлакатимиз фуқароси ҳуқуқий онги тушунчаси нималарни ўз ичига олади.
- 8.2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мазмуни ва моҳиятини қай даражада биласиз.
9. Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини нималардан иборат эканлигини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз.
- 10.2018 йилни “Фаол тадибкорлик инновацион ғоя ва технологияларни кўллаб-қувватлаш ” деб номланишининг мақсадини сиз биласизми.

Фойдаланилган адабиётлар .

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 1993.
2. Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Оliy Majlisga murojatnomasi. Xalq so'zi gazetasi. 258-sonli. 2017 23–dekabr
3. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. -Т.: 2008, 304 б.
4. Умрзоқов Ў.П., Умаров С.Р. Агросаноат мажмуасига инвестициялар жалб қилиш. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2005. № 7 – 8. 62 – 63 б.
5. И. Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир.” Т.: “Ўзбекистон”, 2015.

6. Internet saytlar

- 6.1. <http://www.gov.uz>
- 6.2. <http://www.cer.uz>
- 6.3. <http://www.stat.uz>
- 6.4. www.worldbank.com
- 6.5. www.businesspress.ru
- 6.6. www.undp/uz/ru/publications/
- 6.7. www.lex.uz
- 6.8. <http://agromarket.hg/monthly.html>
- 6.9. www.gumer.info/bibliotek_Buks/Econom/IstEk/